

ЗАКОТ ТУШУНЧАСИ

15:40 / 28.04.2017 3481

Аллоҳнинг ояти карималари ҳамда Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадислари асосида энг катта гуноҳи кабира деб эълон қилинган масала ҳақида сўз боради.

... Наманганлик бир инсон ҳикоя қилиб беради: Бир куни тўплаб қўйган пулимни ҳисобладим ва нисобга етганига бир йил бўлганини эсга олиб закотини ажратиб қўйдим. Бизнинг томонларда бу урфий одат бўлгани боис, закот беришим лозимлигини билардим. Бир воқеа рўй бермагунига қадар закот масаласини молни сақлаш учун қилинган ишгина деб ҳисоблардим. Аслида унинг моҳияти жуда-жуда кенг экан.

Аниқ биламанки, закот пулимни кейинроқ шунга ҳақлироқ инсон топилса бераман, шкафнинг ичида турган, фақат тўй-маъракаларга киядиган кастюмнинг чўнтагига солиб қўйдим. Ишим кўпайиб кетиб ҳақдорга бериш ёдимдан кўтарилибди.

Бир куни уйимга ўт кетди. Уйда ҳеч ким йўғида, нимаики тўплаган бўлсам ярим соатнинг ичида ер билан битта бўлди. Хабарини эшитган заҳотим уйга отландим. Келиб қарасам, ҳамма нарса- уй ичидаги темир иситгичларгача эриб тўкилиб тушганди. Ўт ўчирувчлар сув сепаиб ёнғинни тугатишгач, уйдан умидимни уздим. Ҳамма ёққа бир-бир назар соламан-у, бирор бир нарсанинг қолиб кетганига ишонмасдим. Шу пайти ўт ўчирувчилардан бири мени чақириб қолди. Борсам, минг ҳаяжон ила қўлида бир даста пул билан турибди. Инсофли йигит экан, бу пулни қаердан олганлигини ҳам айтди. Не кўз билан кўрсам, бу ўша - бундан бир неча кун олдин ҳақдор эгасига бераман, деб олиб қўйганим - закот пули эди. Ичимдан зил кетгандек бўлдим. Чунки уй нима учун ёниб кетганини англаб етгандим. Вақтидан ўтиб кетган пул ёндириб юборганди. Эгасига етиб бормаган пулнинг ҳақиға қолган эдим.

Ўт ўчирувчи йигитнинг нима учун топган пулини дарҳол менга бериб, ўзини инсофли кўрсатганлигини ҳам энди тушуниб етгандим. Аллоҳ менга кўрсатиб қўйди, закотини бермаган одамларнинг моли нима бўлишини, Аллоҳ менга яна бир буюк дарсини ўргатдики, хўл-у, қуруқ бир бўлиб ёнган уйнинг ичида бировнинг ҳақи куймай қолар экан. Закот деб ажратиб қўйганим, ўша пайти ҳақиқатан ҳам қалбимда ният қилганим боис, ўша

пуллар ёнмай кўзи олдида ҳақни зоҳир қилиб турарди. Субҳаналлоҳ!

Ана шу воқеадан сўнг, закотнинг асл моҳиятини англаб етдим. У нафақат дунёдаги саломатлигимизга сабаб экан, балки охиратимизнинг ҳам куйиб кетмаслигини таъминлайди экан.